

ЗАНАН АХБОРОТНОМАСИ

Иқтисодчилар, тадбиркорлар ва банк ходимларининг таҳлилий ҳафтаномаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№7 (1186), 2019 йил 14 февраль

@bank_axborotnomasi



“МАРКАЗИЙ БАНК ҲАҚИҚИЙ РЕГУЛЯТОРЛИК ВАЗИФАСИНИ БАЖАРЯПТИ”



Утган ҳафта Халқаро пресс-клубда “Ўзбекистонда тадбиркорлик ва банк соҳасидаги янги ислохотлар: 2019 йилнинг муҳим вазифалари, муаммоларнинг очиқ таҳлили ва замонавий ечимлари” мавзусида жонли эфирда очиқ мулоқот ташкил этилиб, унда Олий Мажлис Сенатининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси М. Жумагелдиев, Марказий банк раиси М. Нуриуратов, Давлат солиқ қўмитаси раиси биринчи ўринбосари М. Мирзаев, Инвестициялар ва ташқи савдо Вазирлиги раиси Ш. Вафоев, Савдо-саноат палатаси раиси А. Икрамов, Бизнес-омбудсман ўринбосари Ж. Урунов, шунингдек, барча тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Очиқ мулоқотда Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқиб, банк-молия тизими олдида турган муҳим вазифалар ҳамда тизимда олиб борилаётган ислохотлар хусусида алоҳида тўхталди.

— Мурожаатномадан келиб чиқиб, тўртта асосий устувор йўналиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, нархлар барқарорлигини таъминлашга жиддий кўриб чиқилиб, утган йилда бу борада салмоқли ишлар қилинди. Натижада инфляция даражаси кутилганидан паст бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БИЗ УЧУН ҚАДРЛИ

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий етулиги, дунёқарши, касбий билим ва малакаси жамият тараққиётини таъминловчи асосий омидир. Шунинг учун Президентимизнинг Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида кишилар онгини ўзгартириш, етуш, малакали кадрлар сафини кенгайтириш долзарб вазифалардан бири эканлиги ҳақида алоҳида таъкидланган эди.

“Банк ахборотномаси” газетаси ҳам ана шундай эзгу ниятда банк ходимлари ва тадбиркорларнинг билим ва малакасини оширишга хизмат қилиш ниятида ташкил этилган. Мана, 24 йилдирки, тахририят жамоаси шу мақсадда астойдил меҳнат қилиб, Сиз, азиз муштарийлар учун изланиб, қизиқарли ва таҳлилий мақолалар тайёрлашга ҳаракат қилиб келяпти.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий етуклик дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардан ўз вақтида хабардор бўлиб бориш билан белгиланади. Бунинг учун, шубҳасиз, газета ва журналлар, электрон ахборот воситалари билан мунтазам танишиб бориш муҳимдир.

Бугунги кунда ахборот воситаларининг тури кўп. Лекин уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни ва имконияти бор. Биз ҳам журналистиканинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиб, интернет сайтимиз ҳамда газета саҳифалари орқали янгилик ва воқеаларни тезкор ёритиб боришга ҳаракат қилаямиз.

Албатта, бугунги ўқувчилар интернет сайтларини кўпроқ кузатиб боришади. Лекин юртимизда бўлаётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида батафсил фикр юритилган мақолаларни асосан газета саҳифаларида ўқиш мумкин.

Шу боис, тахририят жамоаси кейинги йилларда доимо газетехонлар билан учрашиб, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиб келмоқда. Натижада газета саҳифаларида ранг-баранглик ортиб, янги саҳифалар, рунлар ташкил этиляпти, мавзулар кўлами ҳам кенгаймоқда. Албатта буларнинг барчаси Сиз, азиз муштарийларимизнинг хоҳиш-истакларини инobatта олган ҳолда ташкил этилаётди.

Келгусида тахририят жамоаси сиз учун такдим этилди янада қизиқарли саҳифа ва мақолаларни режалаштирмоқда. Бу жараёнда сиз ҳам турли мавзуларда ўз мақолаларингиз билан фаол иштирок этиб, тахририят билан ҳамкорликни йўлга қўйинг. Тайёрлаган материалларингиз газета ва finance.uz сайти саҳифаларида ёритиб борилади.

Ҳурматли муштарийлар! Сизнинг ҳар бир фикрингиз ва мурожаатингиз биз учун қадрли. Таклиф ва мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

Ўқтам Абдуллаев,

“Банк ахборотномаси”

газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон

Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

ВЕРНЕР ЛИПАК ЮРТИМИЗДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг Марказий ва Ғарбий Осиёдаги бош директори Вернер Липак мамлакатимизга таширфи доирасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади.



Таширф давомида 2019 йилда Ўзбекистондаги ОТБнинг устувор лойиҳалари, жумладан, ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш, жорий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш ишлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Вернер Липак ОТБни Ўзбекистонни ривожлантириш борасида йирик ҳамкор сифатида қайд этиб, келгусида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва давлат харидлари тизимини такомиллаштириш соҳасида алоқаларни янада мустаҳкамлашни таъкидлади.

ОТБ айна пайтда Ўзбекистон учун 2019-2023 йилларга мўлжалланган мамлакатнинг динамик бозор иқтисодиётига ўтишни қўллаб-қувватловчи ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Стратегиянинг индикаторини асосий йўналишлари хусусий секторни ривожлантириш, минтақаларнинг тенг ривожланиши, минтақавий ҳамкорлик ва интеграция масалаларини ўз ичига олади.

ОТБнинг Тошкентдаги офиси хабарига кўра, ОТБ келгуси уч йил давомида мамлакатимиздаги катор тизимлар, жумладан, сув таъминоти, транспорт инфраструктураси, электр энергияси, бандлик бозори,

соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларни такомиллаштириш учун ҳар йили 1 млрд. доллардан зиёд маблағ ажратишни режалаштирмоқда.

В. Липак таширфи давомида ОТБ томонидан молиялаштирилган тижорат банкларидаги кредит линиялари лойиҳаларини кўздан кечирди. Шунингдек, у товар ишлаб чиқарувчилар узоқ муддатли молиявий ресурсларни олиш имкониятлари билан бирга ўз тадбиркорлик қобилиятларини яхшилашлари, ўзлари, ходимлари ва втақиб берувчилар учун барқарор даромад олиш имконини кўлга киритишлари мумкинлигини таъкидлади.

Осиё тараққиёт банки 1995 йилдан бери Ўзбекистонга жами 7,4 млрд. долларлик 70 та кредит ажратди, шундан 225 млн. доллар хусусий секторни молиялаштиришга йўналтирилди.

Утган йили эса ОТБ энергетика самарадорлигини ошириш, бирламчи тиббий ёрдамни яхшилаш, фермерлар ва мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни молиялаштириш, Ўзбекистоннинг ғарбий қисмини ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатдаги иқтисодий бошқаруви яхшилаш учун 1,1 млрд. долларлик 5 та кредит шартномаларини имзолади.

Нигора АЛИЕВА

“КАСБИМ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ” ЁХУД 16 ЁШИДА БАНКИР БЎЛГАН ҚИЗ



“ТРАСТБАНК” ПЕРСОНАЛ МЕНЕЖЕРИ УМИДА ХУДОЙҚУЛОВА БИЛАН БИР КУН

Аёл – ҳаёт давомчиси, миллат келажаги, латофат ва нафосат соҳибаси бўлиш билан бирга, жамиятнинг фаол аъзоси ҳамдир. Аёл – депутат, аёл – тадбиркор, аёл – фермер, аёл – ишбилармон, аёл – банкир, аёл – посбон ва ҳатто, қурувчи ҳам.

Бугун биз таърифини келтирмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ҳам нозик влкасига эл хизматини ортмоқлаган жонқуяр ходима, оилада меҳрибон она, суюкли рафиқа ва оқила келин...

(Давоми 5-бетда.)

“МАРКАЗИЙ БАНК ҲАҚИҚИЙ РЕГУЛЯТОРЛИК ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИЯПТИ”



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бу эса олиб бораётган сибсатимиз тўғри йўналишда кетаётганидан далолат. Шу боис, жорий йилда инфляция 13,5-15,5 фоиз бўлиши тахмин қилинмоқда. Бугунги кундаги ҳар бир ҳаракатимиз шунга қаратилган. Нафақат Марказий банк, балки Молия ва Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳам нархлар барқарорлигини таъминлашга, алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, Юртбошимиз бежизга бу масалани алоҳида қайд этиб ўтганлари йўқ. Чунки нархлар барқарорлиги аҳоли вазирлигини таъминлаш билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан, валюта сибсатини янада эркинлаштириш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар кўрилиб, бу борада қонун лойиҳалари ишлаб чиқилаётгани барчага маълум. Агар у ҳам қабул қилинса, уйлайманки, валюта бозорини янада эркинлаштиришга ёрдам беради.

Учинчи йўналишимиз эса банк-молия тизимидаги ислохотларни янада жадаллаштириш, соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш, банкларни молиявий барқарорлаштириш саналади. Бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири бўлгани учун ҳам барча тижорат банклари менежменти ва хиз-

мат кўрсатиш механизмларини ўзгартириб, тубдан яхшилашга ҳаракат қилияпмиз. Ҳозирда банкларда бу йўналишда йўл харитаси асосида амалий ишлар бошланиб, бунинг учун хориждан малакали мутахассислар кенг жалб этилган. Қолаверса, бу жараёнда асосий эътибор банк хизматлари тизимида инсон омилини камайитиришга қаратилаётди.

Мурожаатномада банкларни хусусийлаштириб, улар орасидаги рақобатни кучайтириш масаласи ҳам кўтарилган эди. Бу борада Марказий банк томонидан тегишли чоралар кўриляпти. Қайд этиш жоизки, давлат улушидаги банкларни хусусийлаштириш жараёнини тезда амалга ошириш мумкин. Бироқ мазкур хусусийлаштириш келажақда макроиқтисодий йўналишимизга қандай хизмат қилади? Шу масала биз учун муҳим. Халқаро амалиётда хусусийлаштиришнинг шок, босқичма-босқич ва давлат улушини сақлаб қолган ҳолда амалга ошириш усуллари мавжуд. Биз манар шу тажрибалардан келиб чиқиб, халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда ўз стратегиямизни ишлаб чиқмоқчимиз. Бироқ айтиш мумкин, фақат стратегияга қараб қолганимиз йўқ. Бу борада кўпгина тижорат банкларида аллақачон илк қадамлар ташланган.

Тўртинчи йўналиш коммуникация сибсати, яъни бунда банк ва аҳоли ўртасидаги

мулоқотни кучайтириш устида иш олиб боряпмиз. Бу борада Марказий банк томонидан қилинаётган ҳар бир ҳаракат халқимизга тезда етказилмоқда. Тизимда бўлаётган янгилıklarдан аҳолини тезроқ бохабар қилиш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири. Чунки халқ билан икки томонлама мулоқот қилиш ишларимизнинг янада самарали кечишига замин яратади.

Қолаверса, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласи ҳам айти пайтда долзарб ҳисобланади. Сабаби, аҳоли орасида молиявий билимларнинг етишмаслиги айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётди. Шу боис, бу борада ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этиш жоиз. Аҳолининг молиявий саводхонлиги қанча юқори бўлса, тараққиётимиз ҳам шунга монанд тезлашади.

Жонли мулоқот давомида Марказий банк раиси ўртага ташланган саволларга жавоб қайтарар экан, тижорат банклари фаолиятига Марказий банкнинг аралашуви хусусидаги саволга қуйидагича фикр билдирди:

– Марказий банк айти кунда ҳақиқий регуляторлик вазифасини бажаришни бошлади. Бирор банкнинг ички ишига аралашгани йўқ. Фақат уларнинг қонун ва ҳуқуқий мейёрлар доирасида иш юритишини таъминлаш мақсадида ўз назоратини олиб бормоқда. Ўрни келганда, уларга ноқонуний фаолиятлари юзасидан жазима қўллаш, операцияларини тўхтатиб туриш каби жазо чораларини ҳам қўллаяпти. Бундан кейин ҳам Марказий банк уларнинг мустақил фаолият юритишини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўради.

Шунингдек, очик мулоқотда тадбиркорларнинг экспортини қўллаб-қувватлаш ва улар олдидан тўсиқ бўлиб турган муаммолар ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан, бу масала юзасидан Марказий банк раиси Ҳукуматимиз томонидан экспортчи тадбиркорлар сафини кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 500 млн. АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратиш кўзда тутилаётгани хусусида таъкидлади.

Очик мулоқот давомида ханузгача ҳудудларда кредит олиш жараёнида дуч келинаётган қатор тушунмовчилик ва муаммолар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

СТАТИСТИКА

АКТИВЛАР БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ 10 ТА БАНК (2019 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА)

	млрд. сўм	жамдан %даги улуши
Ўзмилли банк	56 525	26,4
Ўзсаноатқурилишбанк	30 501	14,2
Асака банк	30 355	14,2
Ипотека банк	19 755	9,2
Агробанк	10 363	4,8
Қишлоқ қурилиш банк	9 342	4,4
Халқ банки	9 302	4,3
Ҳамкор банк	6 868	3,2
Алоқа банк	5 847	2,7
ЎзҚДБ банк	4 878	2,3

КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ 10 ТА БАНК (2019 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА)

	млрд. сўм	жамдан %даги улуши
Ўзмилли банк	46 574	27,8
Ўзсаноатқурилишбанк	27 293	16,3
Асака банк	24 750	14,8
Ипотека банк	17 337	10,4
Агробанк	8 750	5,2
Қишлоқ қурилиш банк	8 475	5,1
Ҳамкор банк	4 992	3,0
Алоқа банк	4 743	2,8
Халқ банки	4 691	2,8
Микрокредит банк	2 640	1,6

ДЕПОЗИТ БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ 10 ТА БАНК (2019 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА)

	млрд. сўм	жамдан %даги улуши
Ўзмилли банк	11 741	16,8
Асака банк	6 770	9,7
Ипотека банк	6 759	9,7
Ўзсаноатқурилишбанк	4 833	6,9
Халқ банки	4 739	6,8
ЎзҚДБ банк	4 281	6,1
Капитал банк	3 837	5,5
Алоқа банк	3 496	5,0
Ҳамкор банк	3 392	4,8
Қишлоқ қурилиш банк	2 818	4,0

КРЕДИТЛАРНИНГ ДЕПОЗИТГА НИСБАТИ БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ 10 ТА БАНК (2019 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА)

	КРЕДИТЛАРНИНГ ДЕПОЗИТГА НИСБАТИ
Ўзсаноатқурилишбанк	565%
Ўзмилли банк	397%
Асака банк	366%
Агробанк	330%
Қишлоқ қурилиш банк	301%
Зираат банк	271%
Ипотека банк	256%
Микрокредит банк	215%
Ўзгарозспортбанк	192%
Турон банк	190%

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ТЎЛИҚ УДДАЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 18 та банкнинг вилеят, шаҳар ва туман филиаллари аҳолига муносиб хизмат кўрсатиб, вилеятнинг ижтимоий-иқтисодий ўсишига ўз хиссасини қўшиб келаётди. Айниқса, тижорат банкларининг давлат дастурларидаги фаол иштироки ишларнинг ўз вақтида самарали бажарилишига замин бўлмоқда.

Вилеятда 112 та минибанк, 52 та жамғарма кассаси, 98 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси, 116 та махсус касса, 93 та валюта айирбошлаш шохобчалари тармоғи ўз фаолиятини олиб боомоқда.

Жумладан, ўтган йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар доирасида 243 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда жисмоний шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 5 трлн. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Натижада йил якунида вилеят тижорат банкларининг умумий кредит портфели йил бошига нисбатан 187% га ортиб, 7,7 трлн. сўмни ташкил этди.

Мазкур кредитлар ҳисобига “Ургут” эркин иқтисодий зонасида ҳамда Президентимизнинг 2018 йил 16 мартдаги “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3607-сонли қарори асосида ташкил этилган кичик саноат зоналарида ҳам қўллаб-қувватлаш лойиҳалар ишга туширилди.

Айниқса, вилеятда ёшлар бандлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида” фармони ижроси доирасида жами 424 та лойиҳага 53,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада икки ярим мингдан ортиқ ёшлар янги иш ўринларига эга бўлди.

Шунингдек, вилеятда оилалар тадбиркорлигини ривожлантириш, яъни “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида банклар томонидан 2 286 та оиланинг тадбиркорлик лойиҳаларига 57 млрд. сўм

ҳамда 181 нафар юридик шахсларга 20,8 млрд. сўм, жами 77,8 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу ўз навбатида, оилалар турмуш фаровонлигининг ошишига ҳамда вилеят иқтисодий салоҳиятининг юксалишига хизмат қилаётди.

Вилеят тижорат банклари томонидан ўтган йилда аҳоли пунктлари меъморий қиёфасини янгилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, кўп хонадонли уй-жой фондини ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини кўтариши таъминлашга қаратилган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 6 млрд. сўмга яқин, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарийб 50 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ҳудудларнинг обод бўлишига айланишига, қишлоқларда замонавий шарт-шароитлар яратилишига замин яратди.


Бу каби амалий ишлар вилеятда жорий йилда ҳам давом этиб, тижорат банклари томонидан 898 та лойиҳа учун 19,2 трлн. сўмлик маблағ ажратиш режалаштирилган. Шундан олти юзга яқини тижорат банкларининг 1,4 трлн. сўм миллий валютадаги кредитлари, 219,4 млн. АҚШ доллари (1,83 трлн. сўм эквивалентида) миқдоридagi чет эл валютасидаги кредитлари ажратилиши кўзда тутилиб, ушбу лойиҳаларни молиялаштириш орқали 22 мингдан ортиқ янги ишчи ўрни яратиш режалаштирилган.

Қолаверса, “Ешлар – келажагимиз” Давлат дастурига дастлаб 133 млрд. сўм, қўшимча равишда яна 100 млрд. сўм, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури буйича 62,2 млрд. сўм, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 39 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилиши мўлжалланмоқда. Бундан кўрадики, жорий йилда вилеятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти янада юксалади.

Шерзод СУВАНҚУЛОВ,
Марказий банкнинг Самарқанд вилеяти Бош бошқармаси статистика бўлими бошлиғи

Ҳайтини тадбиркорлик билан боғлаган инсон борки, доим янги марраларни забт этишга интилади. Бунинг учун ўз тармоқларини кенгайтириб, бошқа йўналишларда ҳам омадини синаб кўради. Бундай ишбилармон кишиларни бугун жамиятимизда кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг мана шу саъй-ҳаракати юртимиз ривож ва эл фаровонлигини ортишига муносиб ҳисса бўлиб қўшиляпти.

ТАШАББУСЛАРНИ Қўллаб-қувватлаётган банк



Наманган шаҳри ҳудудидagi "Namangan Royal paint Trade" МЧЖ корхонаси бир неча йиллардан буён лок бўёқлари савдоси ва тамаддиҳоналар бизнеси билан шуғулланиб келаётган. Корхона раҳбарининг ишбилармонлиги ва уддабуронлиги сабаб корхона истиқболли фаолият юритган ва даромадлар мақтанга эришган рақамларни ташкил этган. Баҳодир Қурбонов тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун деҳқон-фермер ҳўжаликлари ва аҳоли томоқларида етиштирилган мева ва сабзавотларни сақлаш, сотиш билан шуғулланиш мақсадида қуввати 200 тонналик сизимдаги музлатгичли омборхона барпо этишни режалаштирди. Албатта, бундай катта лойиҳа учун яхшигина маблағ зарур эди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор "Ўзмиллийбанк"нинг Наманган бўлимига мурожаат қилди. Унинг бу ташаб-

буси банк томонидан қўллаб-қувватланиб, корхонага "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки"нинг кредит линияси ҳисобидан 100,0 миң АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бизнес-гоялар маблағ билан қувватланади, деганларидек, маблағ бўлганидан сўнг қолган ишлар осон кечади. Мазкур сармоя ҳисобига Хитойнинг "Xinjiang Alguin Import and Export Trade Co.LTD" компаниясидан зарур музлатгич ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Эндликда корхонада даромад келтирувчи тармоқ ва ўнлаб янги иш ўринлари пайдо бўлди.

Худди шундай, Наманган туманидаги "Silver Max Boss Milk" хусусий корхонаси ҳам бир неча йиллардан буён музқаймоқ, газли ва газсиз ичимлик сув ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш учун 100 тонна-

лик сизимга эга совутиш омборхонаси билан фаолият юритаётган эди. Мазкур корхона бошлиғи Зоҳиджон Мўминжонов ҳам ишбилармонликда барчага ўрнак бўларди инсон. Чунки у доим изланишда, ҳаракатда. Айни кунда Зоҳиджоннинг ташаббуси билан корхона жамоаси 1000 тонналик сизимга эга совутигичли омборхона кураётди. Бу лойиҳани Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги қўллаб-қувватлаб, туман ҳудудидан 11000 кв.м. жой ажратиб берди. Қолган ишлар маблағга тақалганда тадбиркорга "Ўзмиллийбанк"нинг Наманган бўлими кўмакка келди. Банк томонидан лойиҳа учун "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки"нинг кредит линиясидан 388,1 миң АҚШ доллари миқдорида 5 йилга кредит ажратилди. Мазкур маблағга Хитойдан зарур техник жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Натижада корхонада яна қўшимча 15 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, бу каби тадбиркорларнинг бири икки бўлишида банкларнинг ҳам ўз ҳиссаси бор. Жумладан, "Ўзмиллийбанк" ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётнинг деярли барча тармоғида амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Банк қишлоқ ҳўжалиги, қимм ва тўқимачилик саноати, туризм, темир йўл ва ҳаво транспорти, алоқа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сингари кўплаб соҳаларни молиялаштириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, чет эл банклари ва экспорт-кредит агентликлари билан хорижий кредитларни жалб қилиш борасида ҳамкорликни янада кенгайтирмоқда. Бу ўз навбатида, банкнинг кўплаб тармоқлар билан йирик лойиҳаларни амалга оширишига имкон яратмоқда.

Бобур Йўлчиев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 декабрда 3029-1 сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/9-сон қарори (рўйхат рақами 3029, 2018 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 26-сон, 532-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/3-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 10 ноябрдаги
35/3-сонли қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 34-банд "ёнгин хавфсизлиги сигнализацияси," деган сўзлардан кейин "видео кузатув камералари (бунда видеоёзув материаллари махсус архивда камида бир ой сақланади)," деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 45-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"09002-сон шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади."

3. 55-банддаги "асосий химоя белгиларга" деган сўзлар "асосий белгиларга" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 56-банднинг бешинчи хатбошидаги "асосий химоя белгиларидан" деган сўзлар "асосий белгиларидан" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 64-банднинг иккинчи хатбошида қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун қабул қилинган банкнота ҳақиқий эмас деб топилганда улар бўйича валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилмайди ва банкнота эгасига қайтариб берилмайди. Бундай турдаги банкнота бўйича уч нусхада далолатнома тузилган ҳолда, бир нусхаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, иккинчи нусхаси миждозга берилади ва учинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикилади."

6. 17-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

"Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
17-ИЛОВА

Тижорат банкларининг эълони
Сўрашувчи (физик шахс)
Сўрашувчи (ҳуқуқ шакли)
Сўрашувчи (ҳуқуқ шакли)
Сўрашувчи (ҳуқуқ шакли)
Сўрашувчи (ҳуқуқ шакли)
Сўрашувчи (ҳуқуқ шакли)
Сўрашувчи (ҳуқуқ шакли)
Сўрашувчи (ҳуқуқ шакли)

ТАДБИРКОРНИНГ КУНИ ТУҒДИ

Ёшлигимиздан севиб томоша қилганимиз "Ажойиб хаёлпараст" бадиий фильми эсингиздами? Бош ролдаги қишлоқ дўхтири Ҳасан ака-чи? Бу номни эшитиб, беихтиёр юзингизга табассум оралаган бўлса, ажаб эмас. Ҳаммадан бойиб, шаҳарга кетишни, қуён кўпайтириб, кимсан фалон-чи бўлишни орзулаган бу қаҳрамонни ҳар гал эслаганда, чиндан завқланиб кулмасликнинг иложи йўқ.

Минг азоблар билан кунни тунга улаб боққан қуёнларини кимга, қандай сотишни билмаган қаҳрамонимизнинг бойиш ҳақидаги хаёллари алалоқибат орзулигича қолган бўлса-да, бугун қуёнчилик билан шуғулланиб, Ҳасан аканинг ўй-хаёлларини амалда исботлаётган тадбиркорлар бисёр.

Дарҳақиқат, қуён гўшти ва терисининг харидорбоплиги, етиштириш шароитининг осонлиги ва катта харажат талаб этмаслиги қўлгина ҳамюртларимизни бефарқ қолдирмапти. Борган сари қуёнчилик истиқболли тармоққа айланиб, эл орасида сердаромад соҳага айланмоқда. Айниқса, қуён гўштининг парҳезбон экани, қўй, эчки, қорамол гўштарига нисбатан анча енгил ҳазм бўлиши аҳолимизнинг унга бўлган талабини тобора оширмоқда. Тиббиёт ҳам ёш болалар, кексалар ва юрак-қон томир, жигар, ошқозон хасталиклари билан оғриган беморларга кўпроқ қуён гўшtidан истеъмол қилишни тавсия қилмоқда.

Айни пайтда республикамызда ушбу жониворнинг оқ великан, кулранг великан, Россия мордери, шиншила, капалаксимон, олмаҳонсимон, кумушсимон, қора кўнғир, вена зангори ва бошқа шу каби сотлари боқилмоқда. Қуёнларни кўпайтириш ва ўстириш уларни тўғри озиқлантиришга боғлиқ. Юртимизда ушбу илмнинг пухта билимдонига айланган, соҳанинг барча сир-синоатларидан бохабар тадбиркорларимиз сони кун сайин ортмоқда. Улардан бири 2016 йилнинг баҳорида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида 350 миллион сўм банк кредити эвазига ўз фаолиятини бошлаган "Сирдарё момиқ қуёнлари фермер ҳўжалиги" раҳбари Равшан Бозорбоевдир. Тадбиркор қўл остидаги мазкур фермер ҳўжалиги бугун ҳам эл дастурхони, ҳам юрт саноати учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Фермер ҳўжалиги ташкил этилган кезлари Равшан ака Италия давлатидан 110 бош насли қуённи хариб қилиб, ўтган йиллар мобайнида уларни кўпайтирди. Қарангки, бугунга келиб, уларнинг сони 6500 тага етди. Шу босис, тадбиркоримиз жорий йилда фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

— 2019 йилда 10 миң бошга мўлжалланган қуёнхона куриб, қуёнлар сонини 10 миңгага етказиш ва яна 21 та янги иш ўрни яратиш ниятим бор, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Равшан



Бозорбоев. — Қиймати 1 миллиард 650 миллион сўмлик йирик лойиҳамизни амалга ошириш учун "Микрокредитбанк" АТБнинг Сирдарё вилоят филиали томонидан олтимш ой муддатга 820 миллион сўм миқдорида кредит маблағи олдим. Ушбу маблағлар эвазига ўтган йили Россия давлатининг "Олянкс Инжинеринг" компанияси билан қуёнларни сўйиш, қадоқлаш технологиясини олиб келиш бўйича шартнома туздик. Жорий йилнинг июль ойига қадар мазкур лойиҳани ишга тушириш ҳаракатидамиз. Ушанда ҳўжалигимиз суткасига 1500 бош қуённи сўйиш қувватига эга бўлади ва аминманки, бу саъй-ҳаракатларимиз туфайли бозорларимиз, савдо расталаримиз парҳезбон ва шифобахш арзон гўшт маҳсулотлари билан тўлади.

Тадбиркорнинг айтишига қараганда, жониворлар алоҳида парварishiга муҳтож. Масалан, уларнинг битлаб ё канал кетмаслиги, совуқда шамоллаб қолмаслиги ва турли касалликларга чалиниб қолмаслиги учун соҳанинг ўзига яраша сир-синоатларидан бохабар бўлиш керак.

Мақоламиз бошидаги гапга қайтадиган бўлсак, ўз замонасида Ҳасан ака кабилар йўлини тополмай, бизнеси юришмай, орзулари армонлигича қолиб кетгандир, бироқ бизнинг замонада бунақаси камдан кам учрайди. Чунки юқоридаги қаҳрамонимиз иш фаолиятининг ўзидек исбот талаб қилмас аксиомадир. Уларни қўриб, тадбиркорнинг ҳам кунни туғадиган замонлар келади дегинг келади.

P.S. Дарвоқе, бизнинг замонада иштиёқ ва интилиш бўлса бас, моддий кўмагу, маънавий мадад ҳамisha берилажак.

Гўзал МАЛИКОВА

Мамлакатимизда фаол инвестицион сибсатнинг юртилиши, янги илохотларнинг амалга оширилиши натижасида хориждан янги технологиялар, илгор тажрибалар кираб келмоқда. Бу жараёнда тижорат банклари ўз инновацион хизматлари билан фаол иштирок этаётганлиги янада аҳамиятлидир.



“АГРОБАНК” ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРДИ

“Агробанк” АТБ томонидан ҳам бу борада муҳим қадамлар ташлаб, жажрон бозорининг етакчи компаниялари, молия муассасалари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш борасида сезиларли ишлар қилинаётди.

Хусусан, яқинда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Туркиянинг “Актив банки” УРТ халқаро пул ўтказмалари тизими билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Эндиликда УРТ халқаро пул ўтказмалари тизими орқали мижозлар ўтказмаларини тез ва арзон нархларда амалга ошириш имконига эга бўлдилар.



Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, “Актив банки” Туркиянинг энг нуфузли хусусий банкидан бири бўлиб, бизнесни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғояларни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий секторда катта лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиб келади.

УРТ халқаро пул ўтказмалари тизими Туркияда 10 мингдан зиёд, дунёнинг қўллаб-даватларида 400 мингдан ортиқ шохобчаларига эга.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги “Қарор” ижроси доирасида Халқ банки томонидан аҳолига банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда мижозларга қўлайликлар яратиш мақсадида, ўтган йилларда республикамизда мавжуд аксарият вилоят ва туман (шаҳар) филиаллари замонавий қиёфага келтирилиб, қайта таъмирланди.



Хусусан, Халқ банки Тошкент шаҳар Амалиёт бўлими, Чилонзор, Учтепа ҳамда Шайхонтохур филиалларида ҳам қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қолган филиаллар ҳам замонавий техника воситалари ва меъбел жижозлари билан таъминланиб, халқаро тўлов тизимларини бажарувчи кўп функцияли банкоматлар ўрнатилди. Бу эса мижозларга жажрон андозаларига мос равишда замонавий, сифатли ва жозибдор банк хизматлари кўрсатиш имконини берди.

Шу билан бирга, 185 та филиалда “Банк хизматлари марказлари” фаолияти ташкил этилиб, унга асосан 2018 йилда 50 та филиалда front ва back ofisga ажратилган ҳолда хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Қолган филиалларни ҳам front ва back ofisga ажратган ҳолда ташкил этиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Янгидан ташкил этилган “Банк хизматлари маркази”нинг афзаллиги шундаки, банкка келган мижоз навбат кутмайди, яъни марказдаги универсал ходимларимиз банк фаолияти билан боғлиқ барча амалиётларни бажара олади. Бу марказдаги юридик шахслар учун 5 нафар, жисмоний шахслар учун 7 нафар ходим бир кунда ўртача 700 нафарга яқин мижозга сифатли банк хизматларини кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, мижозларга янада қўлайлик яратиш мақсадида банк филиалларида “RECEPTION” фаолияти йўлга қўйилиб,

МИКРОКРЕДИТБАНК ISO 9001:2015 СТАНДАРТИ ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкига ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий сертификати ҳамда “Astra certification” ташкилотининг халқаро сертификатлари тақдим этилди.



Маълумки, “Микрокредитбанк” илгор хорижий тажрибаларни ва замонавий хизматларни жорий этиш орқали Ўзбекистон молия бозоридagi ўрни ва иштирокини янада кенгайтириб бормоқда. Мазкур сифат менежменти тизимининг жорий этилиши банк учун стратегик аҳамиятга эгадир. У келгусида банкнинг замон талабларига мувофиқ трансформациясида мустаҳкам пойдевор ва барқарор ривожланишини таъминлашида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, ISO 9001:2015 сифат менежменти истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтижларини қондиришга йўналтирилган тизимдир. Мазкур стандартларга мувофиқлик мижозларнинг банкка бўлган муносабатларини таҳлил қилиш ва улар билан ишлаш жараёнларини ташкил этиш мезонлари учун асос яра-тади.

Шунингдек, бу тизим хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга ва хизматлар қўламини кенгайтиришга пойдевор бўлади. Бу борада банк томонидан янги маҳсулотлар ва хизматларни яратишда ISO 9001:2015 стандартида акс этган менежмент сифати принципларига таянилади.



мижозларга банк хизмати бўйича дастлабки маълумотлар берадиган 195 та маслаҳатчи лавозими ташкил этилди. Хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, мижозларнинг эҳтижларини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида “Kuomatic” русумидаги навбат кутиш тизими ҳам аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Қолаверса, банкнинг барча филиаллари тасарруфида мавжуд 731 та банкдан ташқарида жойлашган чакана амалиёт кассалари орқали коммунал ва бошқа бир неча турдаги тўловларни қабул қилиш билан биргаликда, аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтижини қондириш мақсадида мазкур чакана амалиёт кассаларига чиқим терминаллари ўрнатилиб, бу орқали аҳолига банк пластик карточкаларидан чиқим қилиб бериш амалиёти ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг туман (шаҳар) филиаллари биноларида банк мижозларига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 492 та чакана амалиёт кассалари жорий этилди.

Шунингдек, халқаро илгор тажрибаларни қўллаган ҳолда мижозларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида синов тарикасида Тошкент шаҳрининг 2 та филиалида (Амалиёт ва Шайхонтохур) “24/7 электрон офис”лари фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда яна қўшимча равишда жорий йил давомида 20 та “24/7 электрон офис”ларини ишга тушириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Халқ банкининг филиаллари орқали “Миллий валютадаги пул ўтказмаси” тизимини амалиётга жорий этиш юзасидан зарурий ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки аҳоли учун қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида тинимсиз изланиб, замонавий чакана хизмат турларини амалиётга жорий этмоқда. Бу ҳаракатлар замирида эса бир мақсад бор. У ҳам бўлса халқ розилигидир.

Самибой БУСТОНОВ,
АТ Халқ банки Чакана хизматлар
департаменти директори



ҚИСҚА ХАБАРЛАР

АТ “Алоқабанк” 11 февралдан бошлаб мижозларга қўлай бўлиши учун иш тартибини ўзгартириб, тушликисиз хизмат кўрсатишини бошлади. Шунингдек, VISA карталари учун “СМС-хабарнома” хизматини ҳам мутлақо бепул қилди.

“Агробанк” АТБ тадбиркорлар учун яна бир қўлайлик – корхона ишчилари маошини пластик картага ўтказиш жараёнини соддалаштирди. Эндиликда тадбиркорлар ишхонасидан туриб ҳам маошларини пластик карталарга онлайн ўтказиш ва корпоратив картани тўлдириш имкониятига эга.

“Трастбанк” ХАБ 5 мартдан бошлаб “Мижозлар буюртмаларини бажариш учун тўланадиган воситачилик ҳақи (VISA-Exchange ва VISA CLASSIC-Exchange пластик карталари) бўйича ўзгаришлар киритилишини маълум қилди. Унга кўра, хизмат кўрсатиш шохобчаларидан “Трастбанк” ХАБ конверсион картасидан нақд валюта ечиш учун воситачилик ҳақни 0,3 фоиздан 0,2 фоизга туширилади.

“Туронбанк” АТБ мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида юридик шахслар учун “Банк-мижоз” дастурига “Чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш учун ариза” модулини киритди. Модулнинг қўлайлиги шундаки, банк мижозлари “Банк-мижоз” дастуридан фойдаланган ҳолда, ўзларининг АҚШ долларидagi бўш валюта маблағларини (келгусида “Евро” ҳам қўшилиди) Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси (ЎзРББ) да сотишлари, сўм маблағларини ЎзРББда бўлиб ўтадиган банкларораво сессияларида АҚШ долларига конвертация қилишлари ёки банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан АҚШ долларига конвертация қилишлари мумкин.

“Туронбанк” миллий валютадаги йиллик фоиз ставкаси 20% га тенг янги “Хазина” муддатли омонатини таклиф этмоқда. Омонатга пул маблағлари нақд ва нақдсиз пул қўринишида миллий валютада 3 йил муддатга қабул қилинади. Депозитнинг бошланғич бадал миқдори – 1 млн. сўм. Омонатга 500 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар кирим қилиш имконияти ҳам мавжуд. Фоизлар капитализация қилинмайди. Энг асосийси, омонат муддатидан олдин қайтариб олинганда, омонат учун ҳисобланган ҳар тўрт ойлик фоизлар сақлаб қолинади.

“ASIA ALLIANCE BANK” “MyAlliance” мобил иловаси фойдаланувчилари учун яна бир янги хизматни таклиф этмоқда. Унга кўра, банк мижозлари Йул Ҳаракати Хавфсизлиги Бошқармасининг “Йул ҳаракати қондаларининг бузилишини огоҳлантириш” тўғрисида 30 кунлик хизматга обуна бўлишлари мумкин. Обуна нархи – 1000 сўм.

“MyAlliance” орқали ушбу хизматдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, унда мижоз обунани харид қилиб, фақатгина автомобилнинг техник паспорти, авторакими ва марказини рўйхатдан ўтказди. Йул ҳаракати қондаси бузилганлиги ҳақидаги маълумот эса автоматик тарзда СМС-огоҳлантириш сифатида фойданувчига юборилади. ЙҲХБ талабига биноан, ҳар бир телефон рақами учун фақат битта автомобиль рўйхатдан ўтказилади.

Эндиликда банк мижозлари “MyAlliance” иловаси ёрдамида фақатгина содир қилинган йўл қондаси бузилиши ҳақидаги маълумотни эмас, балки қаерда бўлишларидан қати назар, ушбу қондабузарлик учун комиссиясиз жаримани тўлаш имкониятига ҳам эгалар.

АТБ “Капиталбанк” яқинда Андижон шаҳрида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатувчи “Андижон” банк хизматлари марказини очди. Марказ биносига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш инновацион зонаси “Capital 24/7” ҳам ташкил этилди. Шунингдек, янги марказда жисмоний ва юридик шахслар учун банк хизматлари бўйича барча жараёнлар соддалаштирилди.



“КАСБИМ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ” ЁХУД 16 ЁШИДА БАНКИР БЎЛГАН ҚИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Эрта тонг. Оила аъзоларининг бари ширин уйкуда. Ёлғиз у уйгоқ – хоналарни саранжомлаш, турмуш ўртоғи ва фарзандлари учун тўйимли нонушта тайёрлаш ва уларнинг кийимини ҳозирлаш билан банд.

Зум ўтмай, кун оқаради. Катталар ишга, болалар мактабга, боғчага шошади. Шу боис барига улгуриш керак. Қахрамонимиз Умида Худойқулованинг ҳар куни дەرляри шундай бошланади. У турмуш ўртоғини ишга, жажжи қизалоқларининг бирини мактабга, бирини боғчага кузатган, ўзи қадрдон ишхонаси – “Трастбанк” ХАБнинг Яққасарой филиали томон югуради. Соат миллари 9:00 га етгунига қадар қахрамонимиз ҳам ўз иш столи ёнида бўлиши шарт. Сабаби банк соҳаси мижозларни куттиришни ёқламайди, қолаверса, кечкикиш унинг фрейлига ҳам тўғри келмайди.

Уй юмушлари, рўзгор ташвишларини бир четга суриб, бор меҳри ва кучи билан ишга шунчагина Умидани жамоадорлари камдан-кам ҳолатда тин олиб турганига гувоҳ бўлади. Боиси, елкасига масъулиятли вазифа – персонал менежерлик лавозими юклатилган экан, қўли-қўлига тегмай ишлашга мажбур. Аслида буни мажбурият ҳам деб бўлмайди. Чунки қахрамонимиз ўз касбини чин юракдан севади, ҳар бир ишини астойдил бажаришга, ёнига юмуш билан келган мижозларни рози қилиб кузатишга интилади. Балки шунинг учундир, ҳали бирор марта иш тажрибасида мижозлар билан сан-манга бориш ҳолатлари кузатилмаган.

Келинг, қолганини қахрамонимизнинг ўзидан эшитайлик.

“Шифокорликка қизиқишим бўлмаган”

– Онам шифокор бўлганлари боис мени ҳам шу касб этагидан тутишимни истаганлар. Бироқ негадир ёшлигимдан менга ижтимоий фанлар эмас, кўпроқ аниқ фанлар, айниқса, арифметика, математика фанлари жуда ёқарди, оҳанрабо каби ўзимга тортарди. Бу фалати эшитилиши мумкин, чунки аксарият қизлар она тили, адабиёт, тарих каби ижтимоий фанларни ёқтирашади ва шу йўналиш бўйича касб танлашга ҳаракат қилишади. Аммо айтишим керакки, мен каби аниқ фанларни хуш кўрувчи қиз сафдошларим ҳам оз эмас (кулади). Хуллас, истасамда, юрагимда она касбга нисбатан

қизиқиш уйғотолмаганман. Ҳар доим ўзимни банк соҳасида тасаввур қилганман. Балки қариндош акаларим шу соҳада ишлагани учун уларга ҳавас қилгандирман, билмадим...

Оилада ягона фарзанд бўлганим учун ота-онам ҳам раъийимни қайтаришимда – ўзим истаган йўналишда таҳсил олишимга имкон яратишди. Даставвал, Тошкент молия институти қошидаги молия лицейини, сўнг Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Банк иши” йўналишини тамомладим. 16 ёшимдан ҳам ўқиб, ҳам “Ўзмиллийбанк”да 2-тоифали мутахассис сифатида иш бошладим.

“ТУРМУШ ЎРТОҒИМ БАНКИМИЗ МИЖОЗИ БЎЛГАН”

– “Ўзмиллийбанк”нинг пластик карточкалар бўлимида бош мутахассис лавозимида ишлаб юрган кезларим турмуш ўртоғим билан танишиб қолганмиз. Банкимиз мижози бўлган, орадан бироз вақт ўтиб, турмуш қурганимиз. Умр йўлдошим ҳар доим менга ишонган, турмуш қурганимиздан кейин ҳам ишлашимни қўллаб-қувватлади. Келин бўлиб тушганимга ўн йил бўлса-да, қайнона-қайнотам ҳам бирор марта ишлашимга қаршилик қилишмаган. Икковлари ҳам жуда меҳрибон. Оиламиз жуда аҳил ва иноқ.

“КАСБИМ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ”

– Касбимни жуда яхши кўраман. Айни пайтда “Трастбанк” ХАБ Яққасарой филиалида “Персонал менежер” лавозимида фаолият олиб бораман. Мазкур филиал очилгандан буён шу банкда ишлаётган бўлсам, ҳали бирор марта жамоадорларим ёки мижозлар билан тортишиб ёки хафалашиб қолганимни эслолмайман. Ўтган 7 йил давоми “Трастбанк” раҳбарияти ва жамоаси доим мени қўллаб-қувватлади, билмаганларимни ўргатиб, касбий фаолиятимда юксалишимга кўмак берди. Шунинг учун доим раҳбарият ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Албатта, банкда ўтаётган ҳар иш куним жуда қизиқарли ва фаол десам адашмайман.

Банкимиз биринчилардан бўлиб, 2017 йилнинг июнь ойида мижозларга қўлайлик яратиш, уларни тезкор ва сифатли банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида “Персонал менежер” хизматини амалиётга жорий этганини айтишим жоиз.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт, мобиль ва интернет банкинг, мижозларга замонавий ва масофавий тезкор хизмат кўрсатиш даври келган экан, фикримча, банк раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу хизматга эҳтиёж жуда катта. Айтиш жоизки, бир қанча банк хизматларини умумлаштирган ҳолда персонал менежерга юклатилиши натижасида мижозлар вақти тежалиб, уларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Бу хизматнинг ташкил этилиши билан банк ва мижоз ўртасидаги ортиқча оворагарчиликлар олди олинди. Бугун филиалларда фаолияти юритаётган ҳар бир “Персонал менежер” мижоз ва банк ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминловчи воситачи ходим сифатида хизмат қилмоқда.

Бугунги рақобат муҳитида мижоз ишончини сақлаб қолиш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашда мазкур хизматнинг ўрни бекиёс, деб ҳисоблайман.

Қарийб 16 ёшимдан бери банк соҳасида фаолият юритаётган бўлсам, ҳар куни касбимнинг янги бир жиҳатини кашф этаман, ҳар қандай вазиятда ҳам ишлаб чарчамайман. Тўғри, ҳар куни ҳам олдимизга хушмуомала, оғир-босиқ ёки яхши кайфиятдаги мижозлар келавермайди. Турли ҳаракатдаги, турли кайфиятдаги инсонлар билан тўқнаш келамиз. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам мижозларга очик юз ва ширинсуҳанлик билан хизмат кўрсатиш ҳар бир банк ходими олдида турган асосий вазифа саналади.

Шу ўринда қахрамонимиз чиндан ҳам шундай фазилатлар эгасими?, – деган са-



вол билан “Трастбанк” ХАБ Яққасарой филиали бошқарувчиси Алишер Абидовга юзландик.

“ЁНИГА БОРМАСАНГИЗ ОВОЗИНИ ЭШИТМАЙСИЗ”

– Умида Худойқулова ҳақида гапирадиган бўлсам, филиалимиз янги очилган кезлардан, яъни 2012 йилдан бери фаолият юритаётган бўлса, бирор марта ҳам мижозлар билан санманга борганини ёки тушунарси ҳолатлар пайдо бўлганининг гувоҳи бўлмадим. Жуда оғир-босиқ, жиддий, камгап, ўз ишининг билимдони. Биласизми, доим бир нарса мени хайратлантиради, баъзи ходимларимиз овози хонамгача эшитилиши мумкин, лекин асло Умиднинг эмас. Ёнига бормасангиз, овозини эшитмайсиз, ҳатто. Жуда паст овозда мулоимлик билан гапирди. Айтганимдек, ўз ишини пухта билди, ҳақиқатда касбини севади. Ўтган йиллар давомида филиалнинг барча бўлимларида касбий маҳоратини оширди. Банкнинг пластик карталар ва конверсион операциялар бўлимида бош мутахассис лавозимларида ҳам фаолият юритди. Қайси лавозимда бўлмасин доимо ўз устида ишлаб, юклатилган вазифани чин юракдан бажариши билан ишончимизни оқлади.

“Персонал менежер” лавозимида танланаётган 75 нафар ходимнинг ичидан Умидани танлашимиз ҳам бежиз эмас. Айни пайтда “Персонал менежер” ларимиз тушлик танаффуссиз мингдан ортиқ мижозга сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шу сабабли, мижозлар ҳам улар фаолиятдан рози ва бирор марта шикоят қилишмаган.

МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

– Анча йиллардан бери “Трастбанк” ХАБ Яққасарой филиали мижозимиз, – дейди “MAXIMUS TASHKENT” компанияси ҳисобчиси Сарвар Ходжаев. – Корхонамиз ва банк ўртасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳар қандай операция “Персонал менежер”, яъни Умидахон ёрдамида зудлик билан битирилади. Айниқса, ушбу хизматнинг биз мижозларга қўлайлик яратган томони, ҳозир биз мижозлар у бўлимдан бу бўлимга югуриб, навбат кутиб ортиқча вақт сарфлашимизга хожат йўқ. Тўғридан-тўғри корхонамизга бириктирилган “Персонал менежер”га мурожаат этган ҳолда барча тўловларимизни амалга оширишимиз мумкин.

Бугун ҳам тўлов топшириқномаси билан келган эдим. Персонал менежеримиз ҳисобрақамимиздан пулни ўтказиш борасидаги ҳужжатларни расмийлаштирмоқда. Албатта, биз мижозларга бундай тезкор хизмат кўрсатилишидан мамнунмиз.

– Қарийб беш йилдан бери шу филиал мижозиман. Ҳали бирор марта банк ходимлари билан муаммоли вазиятга дуч келмадик. Айниқса, Умидахон билан, – дейди “МАР” хусусий корхонаси бош ҳисобчиси Зайтуна Фатиховна. – “Трастбанк”нинг Яққасарой филиалида корхонамиз ҳисобрақамини очганимиз. Тўловлар ёки бошқа масалаларимизни банкка келмасдан туриб ҳам телефон ёки масофавий хизматлар орқали ҳал қиламиз. Умидахонга ҳам ҳар доим нима юмуш билан сим қоқмайлик, “лаббай” деб жавоб беради. Хушмуомалалиги ва ўз соҳасининг етук билимдони экани билан хурматимизни қозонган.

Соат миллари тушлик бўлаётганини кўрсатса-да, қахрамонимиз ҳануз иш столида. Гоҳ мижозларни қабул қилади, гоҳ телефон кўнғироқларига жавоб беради. Мижозларнинг

юмуши билан банк бўлимлари сари қатнайди. Шериғи меҳнат таътилида бўлгани сабаб иш кўп. Персонал менежер Умидахон билмадик, қай маҳал тушлик қилишга улгурар экан?! Иш куни шу тариқа ўтган қахрамонимиз кун охирида ҳам чарчадим деблмайди. Боиси бўсағада уни ширин ташвишлар кутмоқда – болаларни боғча-мактабдан олиш, кечки овқатни тайёрлаш, тагин уйлари саранжомлаш, турмуш ўртоғини эшик олдида очик чехра билан қаршиламоқ керак. Кечки овқатдан сўнг ҳам юмушлар тугамайди, тагин ўзбек аёлларига таниш майда-чуйда ишлар бошланади. Асосийси, қахрамонимиз болалари билан бирга дарс қилиш ва уларга оналик меҳрини беришни унутмайди.

– Ишдаги чарчоқларим оилам даврасида, фарзандларим кулгусида унут бўлади, улардан қувват оламан, – дейди қахрамонимиз. – Эртанги кун учун зарур куч, гайрат ва шижоатнинг манбаси ҳам оиламдир.

Р.С. Ҳар гал ўз касбининг фидойи соҳиб ва соҳибалари билан учрашар эканман, агар инсон чин дилдан истаса ва ҳаракат қилса, уйлаган барча орзуларига етишишига, ўзи хоҳлаганидан-да кўп нарсага қодир эканига қайта ва қайта ишонч ҳосил қилавераман. Умида Худойқулова ҳам ҳали ёш бўлишига қарамай, кўпгина довлардан ошди. Ҳам иш-чан ҳодима, ҳам суюкли рафиқа ва меҳрибон она номига сазовор бўлди. Аёллик бахти шу эмасми, аслида?

БЛИЦ-МАЪЛУМОТ:

– У 1985 йилнинг 14 июлида ота-онаси Самарқандга меҳмонга боришганида туғилган.

– Инсонийлик жиҳатидан ва аёл сифатида онасига ўхшашни истайди.

– Мактабда ўқиб юрган кезлари ўз иқтидори билан икки мартаба синфдан-синфга “сақраган”.

– Ўзи банк мижоз сифатида кўпроқ пластик карталар ва конверсия бўлимига мурожаат қилади.

– Бугунги кунда замонавий банк хизматлари ва янги банк маҳсулотлари ҳада эйтиш борасида юртимиз банклари ўрганиши керак бўлган хориж банклари сифатида Германия ва Швейцария банкларини эътироф этади.

– “Банковские вести”, “Народное слово” газеталари, “Бозор, пул ва кредит” журнали ҳамда “Milliy” ва “Sevimli” телеканалларини кузатиб боради.

– Охириги мартаба ўқиган бадий китоби Грегори Дэвид Робертснинг “Шантарам” асари. Ўзи замонавий озарбайжон ёзувчиси ва журналисти Эльчин Сафарлининг романларини севиб мутолаа қилади.

– Келажақда бундан-да етук ҳодима бўлиб, “Трастбанк” ХАБ равнақи учун хизмат қилишни истайди.


– Оилада кўпроқ у тежамкор, шунинг учун бўлса керак турмуш ўртоғи ҳам оила иқтисодини ўзидан кўра, кўпроқ аёлига ишонади.

– Ёқтирган спорт тури сузмиш, айни пайтда фитнес билан шуғулланади.

– Миллий таомлардан ошни яхши пиширади, хонимни севиб танаввул қилади.

– Энг сеvimли машғулоти эса турли пишириқлар тайёрлаш.

Гўзал МАЛИКОВА



“ALFA” МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ 2018 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА БАЛАНС ҲИСОБОТИ

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СУМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	15 145
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	60 423
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	83 474
40	11100	Сотиб олинган дебиторлик қаралари - факторинг	0
50	"12401+12405+12409+12501+12505+12509+12701+12705+12709+14801+14809+14901+14909+15101+15109+15701+15703+15707"	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	4 356 955
51	"12499+12599+12799+14899+14999+15199+15799 (қисман)"	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	117 578
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	4 239 377
60	"15600+15709-15799 (қисман)"	Микролизинг, соф	121 666
70	16500	Асосий воситалар, соф	197 361
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16707+16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16100+16400	Бошқа активлар	588 329
110		Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)	5 305 776
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600+22000	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қаралар	2 285 000
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	19 948
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	18 867
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	2 593
260	29800+22200	Бошқа мажбуриятлар	0
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	2 326 408
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	2 426 668
320	30903	Умумий захира фонди	69 279
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
340	31701	Ўзлаштирилган грант маблағлари	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	6 937
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	476 484
380		Жами капитал (310+320+330+340+350+360+370)	2 979 368
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	5 305 776

Изоҳ: * микрокредит ва микроқарз бўйича
** микролизинг бўйича

“ALFA” МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР 2018 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СУМ
100	Ўтган йил охирига тузатишларгача бўлган капитал (30000)	Ўтган йилдаги капитал	948 075
200		Ўтган йил ҳисоботида акс эттирилмаган капиталдаги тузатишлар, соф	0
300		Тузатишлардан сўнг ўтган йилдаги капитал (100 + 200)	948 075
400	"Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (1200 код)"	Йил бошидан соф фойда (зарар)	476 484
500	30301-30301 (йил бошидаги)	Устав капиталдаги жорий йилдаги ўзгаришлар	1 898 808
600	30903-30903 (йил бошидаги)	Захира фондидаги ўзгаришлар	18 105
700	30905-30905 (йил бошидаги)	Текинга олинган мулкларнинг жорий йилдаги ўзгариши	0
800	30908-30908 (йил бошидаги)	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	0
900	31701-31701 (йил бошидаги)	Жорий йилда ўзлаштирилган хайрия ва грантлар	0
1000	"Дт 31203, Кт *****"	МИНУС: ўтган йил фойдасининг тақсимланган қисми	362 104
1100	"Дт 31206, Кт 29807 ёки 30301 "	МИНУС: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар	0
1200		Жорий йил капиталига таъсир этган бошқа ўзгаришлар (соф)"	0
1300		"Жами капитал (300+400+500+600+700+800+900+1200-1000-1100)"	2 979 368

* Изоҳ: бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммасини тақсимланмаган фойдага ўтказилиши ва бошқалар.

“ALFA” МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ 2018 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СУМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000+44200	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	1 192 868
130	42100+44300	Яқна тартибдаги тарбиқорларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	23 493
140	42300+44500	Юридик шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	156 307
150	46100	Микролизинг бўйича фоизли даромадлар	19 917
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160)	1 392 586
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	124 423
220	53101+54101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	"53105+53109+53113+53117+53121+53195+54105+54109+54113+54117+54121+54195"	Бошқа кредитларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	68 431
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	192 854
		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	1 199 732
320	56802+56838+56842	Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	48 109
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳслангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	1 151 623
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	563
420	45217	Сотиб олинган дебиторлик қараларидан олинган даромадлар-факторинг	0
430	45400	Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	173 649
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430+440)	174 312
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Қўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	31 484
520	55300+55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	17 362
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	48 846
		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	1 277 089
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қўйилган бошқа харажатлар	242 073
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	192 020
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	400
740	56400	Мазмуний харажатлар	10 889
750	56500	Репрезентация ва хайрия	0
760	56600	Эскириш харажатлари	46 649
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	226 614
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	718 626
		8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	558 464
		10. ФОЙДА СОЛИҒИ	
1000	56602	Фойда солигини бахslash	81 980
		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (800-1000)	476 484
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	476 484

* Изоҳ: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлардан ташқари.

Хизматлар лицензияланган



Умида Худойберганова
Ўзбекистон Миллий
университетининг журналист-
тика факультетида таҳсил
олган. Айни пайтда “Мозийдан
садо” журнали таҳририятини
фаолият кўрсатади. “Тонг”,
“Ёғду” шеърӣ тўпламлари chop
этилган.

Баҳодир зшикни очар-очмас лик тула папкани диванга, эғнидаги чарм курткани креслога иргитди. Оёк кийимини өчмай уй бурчагиди турган тўпни зарб билан төпди. Тўп кийимлар осмиғлик илгичга қаттиқ урилди. Илгич ағдарилди. Томошага ичкаридан ҳеч ким чикмаганига ҳайрон бўлиб Баҳодир атрофга қаради. Ихчамгина стол устида қолдирилган қоғозга кўзи тушди.

лариди. Кечгача тугатолмасак, шу ерда қоламан. Хўпми?

— Дарсингни уйда қилсанг бўлмайдимми?!

Нигора бироз тугилиб турди-да, тезда дадиллашиб олди.

— Курс ишини эртага топширишимиз керак экан. Улгурмасак... тунда ҳам ёзмоқчимиз.

Баҳодирнинг хўп дейишдан бошқа иложи қолмади. Қизига ён

тоза салқин ҳаво урилади. У ойнани бутунлигича очиб, қўлини осилтириб ўтирди. Унинг оқ оралаган сочлари шамолда бетайин уйнар, шиддатли шамол унинг қўлоғига тушуниб бўлмас, сирли бир тилда алланималарни бақириб гапираётгандек эди. У чуқур энтикди. Кенг ва кимсасиз йўлда маст одамдек машинаси гоҳ у ёққа, гоҳ буюёққа буриларди. Машина тўрт томони чўл билан ўралган кўл ёнига келиб тўхтади. Баҳодир машинадан тушди. Юзига илқ саболар урилди. У кўйлаги тугмаларини өчди. Енгил, озод өллар кўксига урулди. Ботаётган қуёшнинг шафақ нурлари кўнглига тоза хислар бахш этди. Шу пайт Баҳодирнинг кўл ёқалаб югургиси келди. Ёш боладек югур-ча, чўлнинг озод ҳавоси бутун вужудини қамраса... У оёк яланг қўм узра югурмоқчи бўлди. Бироқ югуролмади. Мовий кўл узра шафақнинг қизғиш нурлари уйнайди, кўл жими-р-жимир тўлқинланади.

Анчадан кейин Баҳодир вужудиди чарчоқ севди. Орта боқди. Хийла юриб қўйибди. Машинаси гугурт қутисидай кўринади. Изига қайтиши учун нафасини ростлаб олма-са бўлмайди. У енгил тин олганча иссик қўмга ўтирди. Осмондаги кўк ва қизил рангларнинг ажиб жилосига тикилиб турди-да, узала тушиб ётиб олди. Баҳодирнинг бутун вужуди кўм илқлигидан баҳра олади. У кўзларини юмди. Қалби ҳам шу кенгликлар сингари кенгаётгандек туюлади. Чексизлик узра бир хотиржамлик ҳукрон эди. Баҳодир уйқуга кетаётгандагидек енгил хислар өгушида ётаркан, узокдан гўнғир-гўнғир саслар эшитилгандек бўлди. У кўзларини очгиси келмас, булар яқин ўтмишнинг элас-элас ёдлари дея, хотиржам ётаверди. Бироқ бу овозга таниш машинанинг гувиллаши, қаҳ-қаҳ кулгуларнинг қўшилиши Баҳодирни сергалантирди, осудалик денгизидан бош кўтаришга мажбур қилди. У кўзларини очаркан, ўрнидан туриб ўтирди. Не кўз билан кўрсинки, машинаси атрофига уч-тўрт ийигит айланар, биттаси машинани у ёқ-бу ёққа бурарди. Баҳодир:

— Тенгманглар, — дея, бақирди. Ийигитлар овоз келган тарафга тикилиб қолишди. Сўнг дарров бари машинага минишиб жуфтатки ростлашди.

Баҳодир жон ҳолатда югурди. Бироқ, оёқлари чалишиб йиқилди. Оғзи-бурни қўмга тўлиб, яна югурмоқчи бўлди. Тиззалар букилиб ўтириб қолди. Унинг бутун вужуди қалт-қалт титрарди. Баҳодир оғзи тўлиб сўқина кетди. У бир бола-ларни, бир узини аямай сўкар, мушти билан қўм уюмларини у ён, бу ён тўзугатарди. У аламла бир ўкирди-да, бошини қўмга босиб букилиб бир неча дақиқа жим қолди, қалтироқ вужудини аста тарк этди. Қаддини фоз тиклади. Қаҳ-қаҳ отиб қулди, ел-калари силкинчи-силкинчи тўлиб-тўлиб қулди. Бу тельба кулгуси эмас, таъмадан озод руҳнинг намоийши, ҳур кишининг мусадфо қулгуси эдики, Баҳодирнинг борлиғини бир ҳурлик қамраб олди. Уни на машина, на зиёфатдаги хотини, на нозанини, на чўлдаги ёлғизлик чўчатади. Қани эди саҳройи бўлиб қолса...

Баҳодир қўм зарраларини боладек шодон тўзугатарди. Унинг бутун борлиги осийшталикда эрқаланарди....



Инобат Бухорӣ
Бухоро Давлат университетиди
таҳсил олган. “Иш сурони”,
“Сен кутган баҳор”, “Бегим”,
шеърӣ тўпламлари муаллифи.
Бухоро вилояти телерадиоканалиди
фаолият кўрсатади

ЮРТ СОҒИНЧИ

Юртим тупроғинга бошимни қўйиб Боболар ҳаққи мен тавоф этайин. Хаттоки кўзлардан ёшимни тўкиб Саждалар қиламан, эй она замин!

О, юртим тупроғи, бунча муқаддас, Кимларга бўлмади у чексиз армон. Юрт меҳри устундир, айролик абас, Бобур нола қилди соғинчидир ёмон.

Не сабаб буюқдир бу юрт тупроғи? Фурқат айроликда не сабаб гирён? Тақдир раво кўрди-ватан қийноғин. Оҳи ҳам, зори ҳам дилида нолон.

Замин она каби муқаддас хилқат, Ўрнин босолмағай ҳеч нарса абад. У балки мўъжиза ва чексиз ҳайрат. Аждодлар нигоҳи-ла боқ сен минбад.

Шунда англайсан юрт қудратини, Тупроқ қудратини қалбга айлаб жо. Жисму жонга зухур қил сийратини Сўнг ватан атагил, меҳрда танҳо.

ДУНЁ

Тилансанг тиламчи дунё бу, Элансанг эланган дунё бу. Алдансанг алдамчи дунё бу, Англаким асли бир рўё бу

Бир камдир бу дунё меҳр бер, Осмон гар олисдир яқин эр. Англаким не эксанг ўрасан, Хаттоки шеър тенгсиз зурман дер.

Ҳаёт бир хазина билсанг гар, Изласанг топганин - олтин дур. Умрга зийнатдир оқибат Яхшилиқ қалбинга нур бўлур.

Эзгулик вафого сиғинса Меҳр бир чашмаки илинса. Кемтик қалб бир бутун бўларми Сўз ёмон хор каби тилинса?

Яхшилиқ истаб сен қўлинг чўз, Меҳриники ошидар нигоҳ-кўз, Хаттоки илонни инидан Чиқарар билсанг гар ширин сўз.

Дунёни синаким тўрт кундир, Балки у беш кундир... эҳтимол. Муттасил айланар кун- тундир, Умр чарх кажрафтор бил алҳол.

Тилансанг тиламчи дунё бу, Элансанг эланган дунё бу. Алдансанг алданган дунё бу Англаким асли бир рўё бу.

ҚИШЛОҚ АЁЛИ

Бир аёл уйғонар тонг саҳар, Орузлар кўнглида бир олам. Даласин меҳри бор ва шошар, Ғузасин ардоқлар деб “болам”.

Меҳнатдан қўллари гар қадоқ, Юзида ажинлар бор бироқ, “Ғузам-дер - кўздаги сен қароқ, Авайлар “болам” деб у ҳар чоқ

Бахтини меҳнатдан топган шу, Шунчалар ғузалки мисли гул. Меҳнатни бахт атар чиндан у, Халқи бут, қувонч ҳам толғай ул.

Пахтадек нияти оқ бўлар, Хирмони юксалса чоғ бўлар. Тилаги бир дунё юракда, Халқим деб, элим деб соғ бўлар.

Ўзига зөб бермас оро ҳам, Тунда ой чиройин улашар. Латофатдан боши мудом ҳам Кўнгли тўқ даласи ярашар.

Оддий аёл тоғдек ғурури, Хирмонидан юксак орузи. Завқ берар унга тонг сурури Пахтаси-оқ юзи, оқ сузи.

Болам деб тўйлар чоғ қилади, Неvara севади у кўпрок. У қаср истамас, оддий уй Меҳридан ғузалдир бу қишлоқ. Ғузал бир назмдир бу аёл, Рассомнинг илҳами бу хаёл, Табиат яратган бир малак.

МУҲАББАТ НИМАДИР

Муҳаббат нимадир балки у ошиқ Тилида айтилган ғузал нидодир. Ва ёки қисматдир тақдирда ёзиқ, Ишқ учун ғариб-у, хаста гадодир? Дилни сархуш этган баҳорий ифдор, Саҳар тонг шамоли йўлаган изҳор. Эрта қиш ҳовлида ёққан оппоқ қор, Балки лаб очмаган нафис бир куртак?

Муҳаббат нимадир, балки ғурурдир, Измин раво кўрмас кибрилли дилдор. Хайратларга ташна дилкаш сурурдир, Муаттар ҳидларин сочган атиргул.

Ғунчадир юзидан ўпмаган шамол, Безовта, бевором илинждир гўё Минг битта саволга ўралиб алхол Нурларга эланиб бормоқда дунё.

СЕВАМАН ДУНЁНИ

Сенинг нигоҳингда уйғонса дунё, Лабларинг пичирлаб севаман деса. Сирларинг фош этса туйғулар гўё Тўшларинг анқони уруғин еса.

Мажнунтол қаддини кўтарганда тик Хижрон висол бўлиб чоғланса шу кеч. Қалдирғоч минорга гар солса кўприк, Тун хаёл чодирин ечолмаса ҳеч.

Ястанган майсалар билан сирлашиб Атиргул бағрида оятлар битсанг. Изҳорлар севгига чиндан бирлашиб Ишқ бўлиб вафонинг бағрига ётсанг.

Меҳр нарвон қўйса кўкнинг тоқига Милтилатки сўз қотса ҳар битта колдуз. Эҳтиром айласа севги боғига Севаман дунёни, титратсин шу сўз.

ТАСОДИФ

Йиллар ҳам севгига сололмас фироқ, Соғинч гоҳ тун бўлди, тун эса узоқ. Умр гоҳ сабрнинг пойига чўкиб, Журъат ҳам тилади узига шу чоқ.

Айтилмаган изҳор очади қўчоқ Армонни бағрига яшириб сирлар. Ишқ каровни борар имиллаб бироқ, Билолмас манзилга қайтишин шу чоқ.

Аммо шаксиз инсон бир кун ортига Назар ташлар кўнглиг омонни билмас. Аммо кун яширин бу тун ортига Тақдир мағрур ерни назарга илмас.

Сен замин бўлсайдинг эҳтимол ғурур Халтаб ўтолмасди ишқ остонасин. Балки толе чиндан буларди масрур Ер ўлар ва шунда ёр пешонасин.



Чўл шамоли

(Хўқоя)

“Хўжайин! Сизни кутиб-кутиб охири рухсатсиз кетшимга тўри келди. Дугоналарим қўйишмади. Ойшаларниқиди зиёфат бор экан. Энди узингиз тушунасиз. Овқат қозонда, қизингиз иситиб берар.”

— Ҳа, ҳозир келади қизинг ҳам. Бу хоним ҳам кўп зиёфатчи бўлиб бора-япти. Инжиқликларини кўтаравериб эрқалатиб юбордим шекилли?... — Ичиди тўнғиллади Баҳодир

Баҳодирнинг кўнглига турли хаёллар келди. Баттар жаҳли чикди. Тўпни яна бир тепиб аламини олмоқчи эди, бироқ топиб-тутган мол-дунёсига ичи ачиб, сўппайганча креслога чўкди.

Баҳодир дўппайиб турган папкасига яна кўз узатди. У кўнглини нима биландир хушлагиси келарди. Папқадан пачка-пачка пулларни олди, кафтини пулларга тўлдириб ўзича сўзлади: “Сендек Шаҳлоларнинг юзасини сотиб оламан буларга...” Асабийлашгандан қўллари қалтираб, зшик томон кўз қирини ташлади. Пулларини яна жойига жойлади-да, папкани олган жойига олди. Аросатда қолган одамдек ажиб бир ҳайронликда бошини диваннинг суянцигига қўйиб, кўзларини юмди. Кўзи олдиндан яна ўшатасвир айланаверди. Шаҳлонинг таниш нозли кулгуси, йигитнинг ҳирсли қарашлари ва қизнинг ҳеч эътироссиз машинага чикиб олиши... Бу ўйлар Баҳодирнинг жонини бўғиздан чиқараёзди. “Аввалдан таниш эканлар-да. Ифлос! Кўзимга чўп солиб юрган экан-да. Менинг топганимга кун кўриб... Лаянати! Уй олиб берган бўлсам, латта-путтасининг саноғи йўқ, Яна нима керак эди, бунга!?” Баҳодир столи мушти билан урди. Биллур қулдон кўтарилиб тушди.

Телефон жиринглади. Баҳодир гўшақни олишга чоғланди. Телефондан қизи Нигоранинг жарангдор овози келди.

— Папа, биласизми, биз Гуля билан дарс тайёрлаб ўтирибмиз, уй-

берганча, хўрсиниб гўшақни жойига қўйди. “Бўйи етган қиз қайсидир дугонасининг уйида ётиб қолса, хотини зиёфатма-зиёфат юрса. Анави эса ёш йигитлар билан ялло қилса. Алдоқчи дунё дегани шу-да. Бирни икки қиламан деб, кун бўйи югурсанг, кимни аврасанг, кимга бақирсанг. Кимнидир олдида эркак бошинг эғилса... Булар бўлса, сени лаққа тушириб, алдаб юришса...”

Беқарор ўйлар, шубҳа-ю гумонлар уни толиқтирди, боши оғрий бошлади. У бир неча мuddатга бўлсада ҳеч нарсани ўйламасликка шаҳд этди, осуда ошённи кўмсади. У шундай дақиқа учун бор бойлигини беришга тайёр эди. Унинг тоқати тоқ бўлиб, уйдан-уйга ўтди. Гоҳ тамаки тортиди, гоҳ мусиқа эшитиб, оёқларини чалиштириб ётди. Бироқ на унинг, на бунинг нафи теғди. Қайтача боши янада ғувуллай бошлади. Гумон ва шубҳалар ўтдан олиб ўтга солади. “... Хотинининг дугонаси Ойша ким экан? Ана у юзини чап-лаб юрадиган сотувчимми? Эридан ажралган ўшамиди?... У қанақа зшик қилди экан. Қизи нимага уйда дарс қилмайди...”

Телефон жиринглади. Шоша-лиша у томон юрди. Гўё ҳозир унга нажот келажакдай. Гўшақни қўтараркан таниш овозни эшитиб ҳафсаласи пир бўлди.

— Ҳа, ҳа, яхшимсан. Пул дейсанми. Ҳмм. Қанча, қачонгача... икки ойга? Кечкурун уйга кел, гапллашамиз.

Баҳодир гўшақни қўяркан, атрофга олазарақ тикилди. Чўғдек гилам, савлат тўкиб турган мөбелъ, биллур қандил бари уни маснини хара қилаётгандек. У ортиқ уйда қолмаслигига ишонди. Апил-тапил кийиниб, гаражга ўтди. Оқ “Волга”сини ташқарига ҳайдаб чиқди. Унга газ берди. Бир зумда шаҳар кўчалари ортда қолди. Машина елдек учиб борарди.

Мана, икки ёни кўм-кўк бедазор йўлдан кетаяпти. Машинанинг салгина очиқ ойнасидан унинг юзига

АҚШ ДОЛЛАРИДА КОКАИН ИЗЛАРИ БОРЛИГИ РОСТМИ?

Оксфорд университети мутахассислари қизиқ бир тадқиқот устида иш олиб борди. Улар пул банкноталарида қандай микроблар мавжудлигини текширишга қарор қилишди. Аниқланишича, Европа мамлакатларида фойдаланилган ўртача қийматли купюрада ўрта ҳисобда 26 мингга яқин бактерия мавжуд экан. Қоғозли пуллардан фойдаланиш муддати у қадар узоқ бўлмасда-да (ўртача 2 йил ишлатилади), бундай пуллар бактерияларнинг "ўчоғи" га айланиши мумкин.

Валюталар орасида бактериялар сони кўплиги жиҳатидан Дания крони етакчи ўринни эгаллади. Унда ўртача 40 мингта бактерия "истиқомат" қилиши аниқланди. Кейинги ўринларни Швейцария франки (32 мингта бактерия) ва Россия рубли (30 мингта бактерия) эгаллади.

Евро валюта бирлигида 11 мингта бактерия учраган. "Экологик тоза" банкноталар учлигидан Норвегия кронаси (11 700 та бактерия) ва Буюк Британия фунт стерлинги (18 000 та бактерия) ҳам ўрин олди.

Гап шундаки, евро валютада кам миқдорда бактериялар учрашига сабаб мазкур банкнота учун қўлланилувчи қоғоз микроблар тарқалишининг олдини олувчи махсус восита ёрдамида тозаланади. Умуман олганда, Европа валюталари нисбатан кам фойдаланилган пуллар қаторига киради. Масалан, Хитой пул бирлиги юанда микроблар сони бир неча баробарга кўп – қарийб 180 000 га яқин бактериялар борлиги аниқланган.



Микробиологларнинг таъкидлашича, банкноталарда ошқозон ичак "табқачалари"дан тортиб тери касалликлари, сил ва тифни қўзғатувчи бактериялар учраши мумкин. Шу боис, қоғозли пуллардан фойдаланганда сўнг ҳар гал қўлларни яхшилаб ювиш тавсия этилади.

АҚШ доллари билан боғлиқ вазият ҳам кўнгилдагидек эмас. 90% доллар банкноталарида бактериялар билан бирга гиёҳванд моддалар, жумладан, кокаин изларини ҳам топшиш мумкинлигини мутахассислар таъкидлашди. Ҳатто мазкур пуллар билан доимий шуғулланувчи айрим банк ходимларидан гиёҳванд моддалар текшируви учун олинган қон таҳлили "ижобий" натижани кўрсатган. Оддий вирус ва микроблардан ташқари пулларда радиация излари ҳам учраб туради. Бундай жиддий вазиятда совун ва сув билан кифояланиб бўлмайди.

Айтганча, купюраддан фойдаланиш муддати қоғознинг чидамлилиги билан эмас, балки ифлосланиш даражаси билан белгиланади. Даярли 90 фоиз банкноталар айна шу сабаб муомаладан чиқарилади.

Қоғоз пуллар микроб ташувчи асосий восита бўлгани боис, кўплаб мамлакатлар уларнинг инсон саломатлигига зийн келтирмаслиги учун нима қилиш кераклиги ҳуусида бош қотирмоқда. Мисол учун, банклар хавфсизлигини таъминлаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш тизими мажмуасини ишлаб чиқишда етакчи ҳисобланмиш "Diebold" компанияси банкноталардаги бактерияларни бартараф этувчи махсус восита ўрнатилган сенсорли экранларни банкноталарга жойлаштириш ниятида.


ҒАРОЙИБ ТЕЖАМКОРЛИК УСУЛЛАРИ

Нима деб ўйлайсиз, сизнингча, банкнот чекидан қандайдир суммани иқтисод қилса бўладими? Бир тутам чекдан нимани ҳам иқтисод қилиб бўларди, дейсизми? Гапингиз тўри, бироқ миллионлаб шундай чеклардан сезиларли миқдордаги пул маблағини иқтисод қилса бўлар экан. Хўш, қандай қилиб? "Bank of America" мутахассислари кузатуварига кўра, аксарият мижозлар чекда қайд этилган маълумотларга ҳатто назар ҳам солмайди ва ўша захотиёқ ахлат қутисига улоқтиришади. Бироқ мижозлар ишончи учун чексиз ҳам хизмат кўрсатиб бўлмайди. Тежамкорлик устида

бош қотирган банк ходимлари банкнот чекларида аввалгига нисбатан 20 фоиз юқароқ ва енгилроқ қоғоздан фойдаланишига қарор қилди. Натижада бир йилда 500 000 АҚШ долларини иқтисод қилишга эришилди.

Кореяликларнинг бу борадаги ишлари янада ажойиб. Улар учун тежамкорлик ва камхаржлик севимли мавзулардан. Чунки оилалардаги молиявий инкироз маҳалида бу мавзу янада долзарб бўлади. Буни қарангки, Кореяда кир ювиш кукунини тежаш мақсадида эркакларнинг оқ кўйлаги савдоси кескин қисқариши кузатилган. Айрим корейлар эса иссиқлик таъминотига сарфланган маблағни тежаш учун уйларига "палатка" ўрнатиб, унинг ичида ором олишади. Шунингдек, исинишда микротўқинли пелда иситилган юмшоқ ўйинчоқ ёки "трелка" дан фойдаланишни маъқул кўрувчилар топилади.

Мисрликларнинг тежамкорлик усули корейларникидан



қолишмайди. Уларда кўплаб томсиз уйларни ҳам учратиш мумкин. Боиси томи ўрнатилмаган хонадон тўлиқ битган уй деб ҳисобланмайди ва ўз-ўзидан қонун биноан битмаган уйнинг соҳиби ёки соҳибаси мулк солиғини тўлаши шарт эмас. Мисрликларнинг аксарияти тўнғич фарзандлари тўйғарига томи йўқ уйни совға қилишга одатланган. Кейинчалик томи ўрнатиш ва мулк солиғини тўлаш ёшларнинг зиммасига юклатилади.

Яна бир қизиқ маълумот – бир вақтлар мато ва газлама ўлчамли кафтнинг ўрта бармоқ учидан то тирсақкача бўлган узунлик нисбатида олинган. Ўша пайтлари газлама савдоси билан шуғулланувчилар паст бўйли, яъни кўли қалта бўлган одамларни ишга олишни маъқул кўришган. Бу билан мижозга тақдим этилган матодан тежаб қолишга эришилган.

ЗИҚНА БОЙВАЧЛАР

Америкалик олим Томас Эдисон ўз умри давомида кўплаб ихтиролари учун минглаб патентни қўлга киритган. Бунга у нафақат илм билан шуғулланиш мақсади орқали эришган, балки заводидаги ишчилар намойиши ҳам туртки бўлган. Гап шундаки, Эдисоннинг кўл остида ишловчилар тез-тез турли намойишлар ўтказиб туришган. Айтишларича, ибснкор ишчилар меҳнатидан фойдаланишга мажбур кашфиётчи уларнинг талабини бажариш учун янги ихтироларга қўл урган.

Умуман олганда, бадавлат шахсларнинг барчаси ҳам кўпчилик уйлаганчилик маблағларни бўлар-бўлмас нарсаларга сарфламаган. Бойлар моддий муваффақиятининг асоси ҳам пулни эҳтиёткорлик билан сарфлаш ва тежамкорлик бўлган. Масалан, яқинда вафот этган тахминан 28 млрд. АҚШ долларлик бойликка эга Швейцариянинг энг бадавлат шахсларидан бири Ингвар Кампард ҳам жуда тежамкор бўлган.



У кўл остидаги ходимлардан қоғозни максимал даражада тежашни талаб қилган. Шу боис ходимлар қоғознинг икки томонига ҳам матни чоп этишга мажбур бўлишган. Шунингдек, Кампард ўзининг севимли курсисини қарийб 32 йил ўзгартирмаган. Бу кўпгина бойлар табиғати хос жиҳат бўлса керак. Сабаби америкалик социологларнинг айтишича, АҚШдаги ҳар тўрт миллионернинг бири қиймати 100 АҚШ долларидан ошмайдиган пойабзални кийиб юрар экан.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

САЁҲАТГА ЧИҚҚАНДА НИМАЛАРНИ УЙДА ҚОЛДИРГАН МАЪҚУЛ?



Мамлакатларо саёхат қилиш жуда ҳам мароқли. Бироқ унутмангки, ҳар бир худуднинг ўзига хос тартиб-қондалари, қонуни ва чекловлари бор. Масалан, қурол олиб кириш деярли барча мамлакатларда қонунан тақиқланган. Аммо полиэтилен пакетлар ёки атирлар олиб кириш мумкин бўлмаган давлатлар борлиги кишини биров ўйга толдиради. "Рамблер" нашрининг маълумотларига кўра, қуйидаги давлатларга саёхатга чиқишдан олдин нима олиш керагу, нима ни уйда қолдириб кетиш тўғрисида яхшилаб ўйлаган маъқул.

ФИНЛЯНДИЯ

Агар бу мамлакатга машинада саёхат қилмоқчи бўлсангиз, антирадар мосламасини уйда қолдирилгангиз маъқул. Сабаби антирадар мамлакатда тақиққа тушган қурималар рўйхатида туради. Мободо бу қондан билмаган бирор саёхатчи Финляндия полицияси қўлга тушса борми, 500 евро жарима ва антирадари ечиб бермасдан улардан кутулиб қололмайди.

АВСТРАЛИЯ

Бу ерга бошқа минтақалардан тупроқ олиб кириш тақиқланган. Ҳатто пойабзал остидаги "бегона" тупроқ қолдиқларига ҳам алоҳида аҳамият берилади.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

Ушбу мамлакатда ҳам бошқа давлатлар тупроғини олиб кирмаслик тартиби амал қилади. Шунингдек, созандаларнинг ҳам Янги Зеландияга бормагани маъқул. Сабаби мамлакат худудига музқийқ асбоблар билан киришга ружхат этилмайди.



ШВЕЙЦАРИЯ

Дунёга банклари билан машҳур Швейцария негидир йўл халтасида лотереяси бор меҳмонларни қабул қилмайди. Сайёх токи лотереясидан воз кечмагунча, яъни уни ташлаб юрмагунча мамлакат худудига киритилмайди. Бироқ у ернинг ўзидан лотерея чипталарини бемалол харид қилиш мумкин.

АФРИКА

Дунёнинг кўпгина давлатларида полиэтилен пакетларни олиб кириш, сотиш ва ишлаб чиқариш қонунан тақиқланган. Жумладан, Кенияда ҳам. У ерда полиэтилен пакет ишлаб чиқарган одам беш йил умрини панжара ортида ўтказиши ҳеч гапмас. Ҳукумат шу тариқа она табиғатга ғамхўрлик қилади. Шу боис Африканинг саванналарини томоша қилиш истагида йўлга отланаётган бўлсангиз, полиэтилен пакетларни уйда қолдирилгангиз маъқул.

МАДАГАСКАР

Мадагаскарга саёхатга отланиш барча севимли атирларни уйда қолдириш демакдир. Сабаби ушбу худудга бирорта ҳам хушбўйлантисувчи суюқликлар киритилмайди. Бу тақиқни тушуниш у қадар қийин эмас, аслида — Мадагаскарда ванил ишлаб чиқариш етакчи тармоқлардан бирига айланган, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга эса рақобатчилар керак эмас.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ахборот-таҳлилий газета

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси

Марказий Банки

"Norma Bank" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРИР

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

РЕКЛАМА ВА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ

Телефонлар: 998 97 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси – 102.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎзА, finance.uz

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета тахририятнинг
техник-ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фойдаланиш шартлари билан "Банк ахборотнома" га ўзлар қилиниш маълумотларини кўриб бўлишга ижозат берилди.

Қўл ёзмавлар тақрир қилинмайди ва қайтариб бериб берилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлиги томонидан 2012 йил 10 январьда

0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта тайпаиб куни чикади.

Буюртма № г 203. Адади 2549 нуска.

Нарх шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табакда
чоп этилади.

Босишга ружхат этилди: 13.02.2019 й., 9.00.

1 2 3 4 5